



## МАМЛАКАТДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ БАРПО ЭТИШДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Джанизаков Шерали**

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни

қўллаб-қувватлаш жамғармаси

ORCID: 0009-0009-0595-7315

[sheralidjanizakov@gmail.com](mailto:sheralidjanizakov@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда инновацион фаолият соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, инновацион ривожланиш стратегиясининг аҳамияти ва мазмун-моҳияти, стратегияда белгиланган мақсад-вазифаларнинг амалга оширилишига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** илм-фан, инновацион фаолият, стратегия, механизм, инсон капитали, давлат илмий-техникавий дастурлари, илмий-тадқиқот лойиҳалари, тижоратлаштириш.

## ЗНАЧЕНИЕ СТРАТЕГИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В ПОСТРОЕНИИ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

**Джанизаков Шерали**

Фонд финансирования науки и поддержки инноваций

**Аннотация.** В статье анализируются реформы, реализуемые в сфере инновационной деятельности в нашей стране, значение и сущность стратегии инновационного развития, факторы, влияющие на реализацию поставленных в стратегии целей и задач.

**Ключевые слова:** наука, инновационная деятельность, стратегия, механизм, человеческий капитал, государственные научно-технические программы, исследовательские проекты, коммерциализация.

## THE ROLE OF AN INNOVATION DEVELOPMENT STRATEGY IN ESTABLISHING AN INNOVATIVE ECONOMY WITHIN A NATION

**Djanizakov Sherali**

Fund for Financing Science and Innovation Support

**Abstract.** This paper examines the ongoing reforms in the sphere of innovation in Uzbekistan, focusing on the critical importance and underlying principles of the national innovation development strategy. Furthermore, it analyzes key factors that influence the successful implementation of the goals and objectives stipulated within this strategy.

**Keywords:** science, innovation activity, strategy, mechanism, human capital, state scientific and technical programs, research projects, commercialization.

### **Кириш.**

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришда замонавий илм-фан ва инновацион фаолиятнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини барқарор тараққий этишида муҳим омил ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни яратиш борасида олиб борилаётган ислохатларнинг дастлабки натижалари инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўртасида маълум узилишлар мавжудлигини кўрсатади.

Мазкур ҳолат биринчи навбатда, инновацион фаолиятнинг яқин ва узоқ истиқболдаги ҳолатини белгилаб берувчи стратегик ривожланиш дастурлари ва йўналишларига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5544-сон Фармонида қайд этилган “мамлакатни 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакатига қаторига киришига эришиш” вазифасининг бажарилмаслик эҳтимоли инновацион фаолиятнинг муҳимлилик даражаси ҳозирча иқтисодий тизимда тўлиқ эътироф этилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатнинг иқтисодиёт тармоқлари билан илмий-тадқиқот муассасалар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг узилиб қолганлиги, илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда илмий изланишларни ижтимоий-иқтисодий соҳадаги реал муаммолар билан боғланмаганлиги илм-фан ва инновациялар соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Миллий инновация тизимининг биринчи концептуал пойдевори ўтган асрнинг 80-йилларида яратилган ва унинг асосий мақсадлари таърифлаб берилган.

Ривожланган мамлакат олимлари томонидан миллий инновацион тизим ва унинг моделларига бағишланган адабиётлар ранг баранг ва хилма хил бўлиб, миллий инновация тизимни шакллантириш назариясининг асосчиси Фримен (1987) (Буюк Британия) ҳисобланади. Лундвалл (1992; 1994) (Швеция) ва Нельсон (1993) (АҚШ) турли мамлакатларда инновацион фаолиятнинг ривожланишини чуқур таҳлил қилишган ва шу асосда уни янада риожлантиришган.

Улар ҳақли равишда мазкур назариянинг асосчиларидан ҳисобланишади. Уларнинг тадқиқоти таниқли иқтисодчи Шумпетер томонидан илгари сурилган ғоя ва олинган натижаларга асосланган ҳолда бажарилган.

Олимларнинг умумий фикрича, миллий инновацион тизим миллий чегаралар доирасида илмий билимлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш билан машғул, мақсад-вазифалари турлича бўлган тузилмаларнинг, жумладан, давлат идораларининг интеграцияси жараёни ва натижаси сифатида эътироф этиш жоиз. Улар мустаҳкам миллий идизларга, анъаналарга, сиёсий ва маданий хусусиятларга эга институтлар мажмуаси билан таъминланади. Голдштейннинг (2004) қайд этишича, самарали миллий инновация тизимини яратишнинг муҳим шарти давлат ундан асосий манфаатдор бўлишига, инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини ҳар йили белгилаши ва зарур ресурслар билан таъминлашига боғлиқдир.

Миллий инновация тизимга кўра инновацион моделлар танланади ва инновацион ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилиб, тизимнинг шаклланиши ва таркибини аниқлаштириш масалаларида назарий жиҳат устунлик қилса, унинг моделларини танлаш ва стратегиясини ишлаб чиқишда амалий жиҳат етакчи роль ўйнайди.

Улардан айримларини таҳлил қилсак, ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШлик таниқли иқтисодчилар миллий инновация тизимнинг янги моделларини тавсия этишда етакчи ҳисобланишади (Leydesdorff, 2012; Ицковиц, 2011; Carayannis, 2010; 2012). Бу масалага Россиялик олимлар алоҳида диққат қаратишмоқда ва мавжуд моделларга турли нуқтаи назардан қараш орқали таҳлил қилиб, Россиянинг инновацион тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар (Carayannis et al., 2012; Давыденко, 2014; Васильева ва Кавура, 2016; Петровский и др., 2018; Смородинская, 2015). Ўзбекистонлик бир гуруҳ тадқиқотчилар (Касенов, 2013; Аюров ва Boltaboyeva, 2013; То'хлиев, 2020) миллий инновацион тизим, унинг таркиби ва унинг ривожланиши масалаларига диққат қаратишса, иккинчи гуруҳ изланувчилар (Shakirova va Ismoilxodjayev, 2018; Карабаева, 2021; Олимжонов, 2017; Таджибаева, 2021) тадқиқотларида кўпроқ диққатни иқтисодиётни ривожлантириш учун миллий инновацион тизим яратилишининг ҳуқуқий асосларини ўрганишга қаратишган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур тадқиқотда классик, шунингдек замонавий хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчилари томонидан ўтказилган талқиқотлар, ёндашувлар, концепциялардан мазкур мақолада назарий ва методологик асос сифатида фойдаланилди ва республикаимиз олимлари томонидан етарли даражада диққат қаратилмаган жиҳатлари аниқланди. Тадқиқотда кузатиш, назарий талқин, статистик гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция методларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўтган даврда мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишни талаб қилди.

Мазкур вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон Фармони билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилиб, унга “инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш” вазифаси юклатилди.

Шунингдек, вазирликка илмий/олий таълим ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси мақоми берилди.

Албатта ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш, табиийки мамлакатнинг узоқ ва ўрта муддатларга мўлжалланган илм-фан ва инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди.

Инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида “Инновацион фаолият тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни (ЎРҚ-630-сон, 24.07.2020 йил) қабул қилинди ва инновацион ривожланиш стратегиялари “дунё илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ишланмалар ва технологиялар асосида инсон капиталини, мамлакатни жадал ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида” ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони билан 2019 - 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Стратегиянинг бош мақсади - мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш белгиланди.

Ушбу бош мақсадга эришишда еттита асосий устувор йўналишга эътибор қаратилди, жумладан:

- Мамлакатни 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;
- барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш;
- таълим, илм-фан ва саноат интеграциясининг самарали механизмларини яратиш;
- давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш манбаларни диверсификациялаш;
- давлат бошқарувида замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш;
- соғлом рақобат асосида бизнес юритиш учун тенг имкониятлар яратиш;
- барқарор ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

Қайд этиш лозимки, дастлабки босқичда ушбу вазифаларни самарали ошириш учун биринчи навбатда соҳадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 2018-2021 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг 2 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 та Фармон, қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг 30 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, инновацион ривожланиш стратегиясининг бош мақсади дастлабки босқичда мамлакатнинг инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий фактор - инсон капиталини ривожлантириш белгиланган бўлса, кейинги босқичда приоритетлар бошқа йўналишга ўзгартирилиши эътиборга молик.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида янги иш ўрни яратишдан бошлаб қўшилган қиймат яратишгача бўлган жараёнда «тармоқ-худуд-илмий/олий таълим ташкилот» узлуксиз экотизимини ривожлантириш – асосий мақсад сифатида белгиланди.

Мамлакатда илм-фанни ривожлантириш ва инновацион экотизимини шакллантириш борасида янги институционал ўзгаришларни амалга оширилиши ўзининг ижобий динамикасини кўрсатди ҳамда нуфузли халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичларида ҳам эътироф этилди.

Жумладан, Ўзбекистон Глобал инновацион индекс (Global Innovation Index) рейтингида 2015 йилда 141 та давлат орасидан 122-ўринни эгаллаган бўлса, узоқ танаффусдан кейин, 2020 йилда 131 та давлат орасида 29-поғонага юқорилаб, 93-ўрин билан ушбу рейтингга қайтди.

1-жадвал.

**Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индексида рейтинг динамикаси**  
(wipo.int, n.d.)

| Кўрсаткичлар           | 2015 й     | 2020 й    | 2021 й    | 2022 й    | 2023 й    | 2024 й    |
|------------------------|------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| <b>Рейтинг</b>         | <b>122</b> | <b>93</b> | <b>86</b> | <b>82</b> | <b>82</b> | <b>83</b> |
| Инновацияларга сармоя  | 33,9       | 81        | 75        | 68        | 72        | 71        |
| Инновацион маҳсулотлар | 17,9       | 118       | 100       | 91        | 88        | 91        |
| Давлатлар сони         | 141        | 131       | 132       | 131       | 132       | 133       |

Мазкур рейтингда мамлакатимиз 2022 йилда 131 та давлат орасида 11 поғонага юқорилаб, 82-ўринни эгаллаган ва 2023 йилда позициясини сақлаб қолган бўлса, 2024 йилда 133 та давлат орақасида 83 ўринни банд қилди.

Мамлакат иқтисодиётининг реал сектор тармоқлари ва илмий/олий таълим ташкилотлари томонидан драйвер лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги ишланма ва технологиялар асосида илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосий устувор вазифа сифатида белгиланган бўлсада, ушбу мақсад ва вазифаларни муваффақиятли оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини ҳам тан олиш зарур.

Жумладан,

1. Илмий/олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш даражасини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш мақсадида «spin-off» компанияларини ташкил этиш орқали рағбатлантириш белгиланган бўлсада, бироқ давлат томонидан «spin-off» компанияларининг фаолияти қўллаб-қувватланмаганлиги ва ортиқча тартибга солиниши соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Масалан, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор улушини ошириш важи билан илмий/олий таълим муассасаларида таъсисчилигида ташкил этилган хўжалик субъектлари тугатилди (ёки оммавий савдолар орқали хусусийлаштирилди) ёки 2022 йилдан бошлаб таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарнинг даромадлари ва харажатлари ижроси ғазначилик механизми билан қамраб олиниши натижасида қўшимча маъмурий-бюрократик ҳолатларини вужудга келтирди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонида мувофиқ 2030 йил 1 январга қадар давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этишга мораторий жорий қилинди.

2. Давлат илмий-техникавий дастурларида реал сектор тармоқлари улуши ва ўрни деярли мавжуд эмаслиги ҳамда илмий/олий таълим ташкилотлари ўртасида самарали интеграция шаклланмаганлиги натижасида реал сектор тармоқларида илмий фаолият натижаларини жорий этиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Бундан ташқари, давлат илмий-техникавий дастурларининг асосан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лойиҳа ижрочи ташкилотларида ҳалигача эскича самарасиз ёндашувни сақлаб турибди, чунончи дастур доирасидаги лойиҳалар асосан “такомиллаштириш”, “ривожлантириш”, “ўрганиш”, “ёндашув ишлаб чиқиш”, “баҳолаш” каби аниқ якуний натижа (маҳсулот) олиш имконини бермайдиган функционал вазифалар доирасида бажарилади, барча турдаги илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳалар, тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш грант кўринишида амалга оширилади ва/ёки ажратилган маблағларнинг қарийб 60-80 фоизи мақсадли харажатларга (иш ҳақи ва ижтимоий солиқ) йўналтирилади.

Ваҳоланки, стратегияда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик лойиҳаларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этишга алоҳида урғу берилган бўлсада, афсуски бугунги кунга тенг улушларда молиялаштиришнинг қадар аниқ механизмлар жорий этилмади ва/ёки ҳуқуқий асослари яратилмади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатнинг юқори минбарларда ҳам янграгани эътиборга лойиқ, хусусан Давлат раҳбарининг 2024 йил 5 февралдаги ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишида “илм-фан ва инновацияларга етти йилда 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани, лекин илм-фанда “харажат-тадқиқот-маҳсулот” деган формула ишламаётгани” (president.uz, 2024) танқид қилинган бўлса, Глобал инновацион индекснинг (Global Innovation Index) 2024 йилги ҳисоботида ҳам



Ўзбекистонда инновацияларга киритаётган инвестициялар даражасига нисбатан инновацион маҳсулотлар кам яратилиши (Uzbekistan produces less innovation outputs relative to its level of innovation investments.) (wipo.int, n.d.) қайд этилган.



**1-расм. Инновацион фаолият соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши**  
млрд.сўм

Шу билан бирга, расмий статистик ҳисоботларни таҳлил қилганимизда 2023 йилгача корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолият харажатлари барқарор ўсганлигини, шунингдек, 2023 йилда ўтган йилга нисбатан харажатлар 45 фоизга камайган бўлса-да, яратилган маҳсулотлар ҳажми қарийб 40 фоизга ошганлигини қайд этиш лозим.

Шунингдек, 2021-2022 йиллар оралиғида яратилган маҳсулотларга нисбатан юқори харажатлар корхона ва ташкилотларда бошқа операцион харажатларнинг улушининг кўплиги ҳамда хориждан замонавий асбоб-ускуналар импорти ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари, ички логистика харажатларининг юқорилиги, автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортидаги юқори тарифлар, коммунал нархларнинг ошиши корхоналарнинг молиявий барқарорлигига қўшимча босим яратди ҳамда кўпгина корхоналарнинг реструктуризациясига олиб келганлигини ҳам тан олиш зарур.

Агарда давлат ўз имкониятлари ва талабидан келиб чиқиб бу корхоналарга маълум дастур таклиф қилмаса, мамлакатнинг инновацион ривожланиш потенциали борган сари тушиб, импортга қарамлик ортиб бораверади.

Қайд этиш лозимки, мамлакатнинг инновацион ривожланиш стратегиясида эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар ҳамда тегишли давр учун иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 мартдаги 128-сон қарори билан инновацион ривожланиш стратегиясини 2024-2025 йилларда амалга ошириш бўйича йўл харитаси қабул қилингани эътиборга молик.

Мазкур йўл харитасида инновацион фаол ташкилотлар улушини ошириш мақсадида давлат илмий дастурлари доирасида қисқа муддатли (бир йил) ва тезкор илмий натижа берувчи лойиҳаларни амалга ошириш белгиланганлиги юқоридаги фикрларимизни ифодалайди.

### Хулоса ва таклифлар.

Мазкур мақола доирасида олиб борган тадиқотларимиз давомида амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илмий/олий таълим муассасалари таъсисчилигида «spin-off» компанияларни ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва давлат томонидан рағбатлантирувчи аниқ чора-тадбирларни белгилашни тақозо қилади.

2. Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида иқтисодиётнинг реал сектори эҳтиёжлари ва ўзига хос муаммоларининг илмий ечимига қаратилган ҳамда якуний маҳсулотни (қўшимча қиймат) яратувчи лойиҳаларни амалга ошириш, бунда давлат-хусусий шерикчилик асосида молиялаштиришнинг аниқ механизмларини жорий этиш зарур.

3. Маҳаллий бюджет қўшимча манбалари тўлиқлигича маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилаётганлиги сабабли етарлича ресурс мавжудлигини инобатга олиб, ҳудудларнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечимга қаратилган маҳаллий илмий, рационализаторлик ва стартап ишланмаларни тижоратлаштиришни кенгайтириш бўйича маҳаллий бюджет маблағларини ҳисобидан молиялаштириш мақсадга мувофиқ.

### Адабиётлар/Литература/References:

Carayannis, EG, & Campbell, DFJ (2010). Triple Helix, Quadruple Helix and Quintuple Helix and how do knowledge, innovation and the environment relate to each other? A proposed framework for a trans-disciplinary analysis of sustainable development and social ecology. *International Journal of Social Ecology and Sustainable Development*, 1(1), 41 –69.

Carayannis, EG, & Campbell, DFJ (2012). Mode 3 knowledge production in quadruple helix innovation systems. *21st-century democracy, innovation, and entrepreneurship for development. Springer Briefs in business* (Vol. 7). New York: Springer.

Elias G Carayannis, Thorsten D Barth and David F J Campbell. (2012) The Quintuple Helix innovation model: globalwarming as a challenge and driver for innovation. *Journal of Innovation and Entrepreneurship*, 1:2.

Freemaan. C. (1974) *The Economics of Industrial Innovation*.

Freeman C. (1987) *Technology Policy and Economic Performance*. London: Pinter Publishers.

Leydesdorff L. (2012) The Triple Helix, Quadruple Helix, ..., and an N-Tuple of Helices: Explanatory Models for Analyzing the Knowledge-Based Economy? // *Journal of the Knowledge Economy*. 2012. Vol. 3, № 1. P. 25–35.

Lundvall B.-Å., Johnson B. (1994) *The Learning Economy* // *Journal of Industry Studies*. Vol. 1, № 2. P.23–42.

Lundvall. B. A. (1992) *National Systems of Innovation-Toward a Theory of Innovation and Interactive Learning*. London.

Nelson R. (1993) *National Systems of Innovation: A Comparative Analysis*. Oxford.

Shakirova F. B., Ismoilxodjayev A. I. (2018) Innovatsiyalar asosida barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashning ayrim nazariy jihatlari/ "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №5, sentabr-oktabr, [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

To'xliyev I. S. (2020) Milliy innovatsion tizimni shakllantirish va rivojlantirish omillari. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. –В. 200-205

[www.stat.uz](http://www.stat.uz) (n.d.) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.

Ayupov R. X., Boltaboyeva G.R. (2013) *O'zbekistonda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari va yechimlari*. T.: TMI, B. 202.

Васильева Н.Ф., Кавура В.Л. (2016) Модели инновационного развития экономики: зарубежны опыт реализации / *Вестник экономических исследований*. № 3. -С. 74-82.

Гольдштейн Г. Я. (2004) Стратегический инновационный менеджмент: учеб. пособие / Г. Я. Гольдштейн. — Таганрог: Изд-во ТРТУ, 267 с.

Давыденко Е.В. (2014) Модели национальных инновационных систем: зарубежный опыт и адаптация для России. Проблемы современной экономики, 2 (50): 23-26.

Ицковиц Г. (2011). Модель тройной спирали. Инновационная Россия, 4: 5-10. Etzkowitz H. 2011. Model of Triple Helix. Innovatsionnaya Rossiya, 4: 5-10. (in Russian)

Карабаева Г. Ш. (2021) Возможности и перспективы инновационного развития в постпандемический период/ "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №1, январ-февраль.

Касенов Р. Р. (2013) Модель национальной инновационной системқ / Вестник Челябинского государственного университета. № 32 (323). Экономика. Вып. 42. С. 52-56.

Олимжонов А.У. (2017) Инновационный путь развития экономики Узбекистана/ "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, март-апрель.

Петровский А.Б., и др., (2018) Национальные инновационные системы: цели, функции, пути развития. / Научные ведомости. Серия Экономика Информатика. Том 45, № 1. -С. 149-158.

Смородинская Н.В. (2015) Глобализированная экономика: от иерархии к сетевому укладу. Москва, -244 с.

Таджибаева Д. (2021) Инновацион тараққиёт ва инновацион тизим моделлари стратегиясини танлашда Ўзбекистонни ўзига хос жиҳатлари/ "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №5, сентябр-октябрь.